



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 8 апрель, № 69 (7299)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИЛЛИЙ ЎЗЛИК, ТИЛ ВА ҲАЁТ ТАРЗИ, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ИФОДАСИ



Тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир.



Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилиш тадбиридаги ҳақиқий байрамона кўтаринки руҳ, ажиб жўшқинлик, хусусан, бахшиларнинг хушхон хониши, дўмбира, чанковузу сибизга ва шўх яллалар садоси бугун фестиваль майдони, воҳонинг шахару туманларида давом этмоқда.

Чунончи, жонажон Ўзбекистони-мизнинг ҳар бир ҳудуди, унинг ўзига хос маданияти ва санъати, халқ хунарамандчилигини ифода-ловчи павильонлар хорижликлару маҳаллий аҳолини шўх давраларга чорлаб, бир олам завқ-шавқ улашмоқда.

Анъана, қадрият, урф-одатлар ҳар бир халқнинг ўзигагина хос миллий хусусиятларини ифода-ловчи омиллардир. Айни жиҳат инobatта олинган ҳолда, фести-валь кунлари махсус кўргазма-лар ташкил қилиниб, унда мил-лий қадриятларимиз кенг на-моиш этиляпти. Самарқанду Бухоро, Қашқадарё, Хоразму қорақалпоқ диёри, Сурхону гўзал водийнинг қўшиқ ва ла-парлари, амалий санъати ҳамда хунарамандчилиги, умуман айт-ганда, ҳудудларнинг сержило маданий ҳаёти ранг-баранг чи-гиларда гавдаллантирилмоқда.

2-бетга қаранг.

«Ўзбекистонда бебаҳо маданият дурдоналарини асраш ва бойитишга катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор»

Мухбирларимиз Халқаро бахшичилик санъати фестивалида иштирок этиш мақсадида келган хорижлик меҳмонлардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

Эътироф

Консомсак Мисс КАНИТА,
“Levele Entertainment” телекомпанияси
журналисти (Таиланд):



— Турли халқларнинг фольклор санъатига қизи-қишим баланд. Ўзбекистон-да Халқаро бахшичилик санъати фестивали ташкил этилаётганидан хабардор бўлган, унда қатнашиш учун ошдиким.

Катта тантананага пухта ҳозирлик қўрилганига гу-воҳман. Термиз байрам оғушида. Тадбир ўтаётган майдонда бутун Ўзбекистон гўё қафддек намён бўлмоқда. Бахшиларнинг ижро маҳорати кишини оҳирабодек ўзига тортади. Миллий либослар коллек-цияси, ипак матодан тикил-

ган рўмоллар, шарфлар, их-чам гиламлар... Улардаги майинлик ва ёрқин ранг-лар жилоси кишини хай-ратга солади. Фестиваль доирасида Термиздаги археология музейида бўлиб, экспо-натлар билан танишдик. Илк шаҳарсозлик мадани-яти, сугорма деҳқончилик-нинг пайдо бўлиши, Ку-шонлар империяси тари-хи, шунингдек, мусиқа санъатига доир бири-бири-ридан қизикarli археоло-гик топилмалар юртингиз ўтмиши ҳақидаги таассу-ротимни янада бойитди. Ўзбекистонда эришилаёт-ган оламшумул утуқлар мана шундай мустаҳкам пойдевор устига қурилган-ни чин қалбдан ҳис қил-дим. Ўйлайманки, ушбу фестивал эл-юртингиз-нинг нафақат бетакдор санъати, балки унинг ноёб маданиятини, туристик са-лоҳиятини яққол кўрсатиб турибди.

Квон Ду ХЁН,
Конфуцийлик маданияти Бутунжаҳон фонди
директори (Корея Республикаси):



— Марказимизга 2010 йил-да Андон шаҳрида асос со-линган. Бу бежиз эмас, ал-батта. Чунки мазкур шаҳар қадимий конфуцийлик ма-данияти марказларидан бири саналади. Биз ушбу маданиятнинг асосларини ўрганишга, анъана ва қад-риятларимизнинг дунё бўйлаб ёйилишига қаратил-ган аниқ манзилли лойиҳа

дастурларини амалга оши-рамыз. Шунинг учун ҳам мен Термиз шаҳрида ўтқа-зилаётган фестивалга аниқ мақсад билан келдим, яъни конфуцийликнинг Буюк Ипак йўлининг ривожлани-шидаги аҳамиятини чуқур ўрганиш баробарида, Ўзбе-кистоннинг жанубий минта-қаларидаги буддизм мада-ниятининг дастлабки шаклланиш жараёнлари ҳақида маълумотлар йи-моқчиман. Бундан ташқари, бахшичилик санъати ва ко-рейс пхансорисининг муш-тарак жиҳатлари ва улар-нинг асосларини ўрганмоқ-чиман ҳамда келгусида ўзбек мутахассислари би-лан ҳамкорликда бу ҳақда ҳужжатли фильм олишни режалаштиряпман.

Шамсиддин ОРУМБЕКЗОДА,
Тожикистон Республикаси маданият вазири:



— Ўзбекистон — қадим та-рихга, ўлмас қадриятлар ва бебаҳо миллий маданий ме-росга эга мамлакат. Биргина “Шашмақом” ЮНЕСКО то-мидан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий ме-роси дурдонаси” деб тан олин-ди. Ўйлайманки, ушбу фести-валь эл-юртингиз-нинг нафақат бетакдор санъати, балки унинг ноёб маданиятини, туристик са-лоҳиятини яққол кўрсатиб турибди.

ришда, халқлараро маданий ҳамкорлики тарақий топти-ришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Термиз шаҳрида янги таш-кил қилинган бахшилар мак-табида мамлакатингизнинг турли ҳудудларидан келган юзлаб ёшлар миллий фольк-лор санъатини меҳр қўйиб ўрганаётганига гувоҳ бўлдик. Бу инсоният яратган бебаҳо маданий дурдоналари ҳисоб-ланмиш фольклор намунала-рини асраб-авайлаш ва янада ривожлантиришда аниқ муд-дадор.

Бахшичилик санъатининг келажаги бор ва унинг истик-боли ёрқиндир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Халқа-ро бахшичилик санъати фес-тивалининг тантанали очилиш маросимида халқ ижодиёти-ни асраб-авайлаш, юксалтириш-да барча бирдек ҳаракат қили-ши лозимлиги юзасидан бил-дирган қақирғисига “лаббай” деб жавоб беришга ва ҳам-корлики янада кучайтиришга доимо тайёрмиз.

Метин ЕКИЖИ,
ЮНЕСКОнинг Туркиядаги номоддий маданий
мерос қўмитаси раиси ўринбосари, профессор:

— Туркияда худди Ўзбе-кистонда бўлгани каби ушбу санъат тури билан шугулланувчилар халқ ора-сида катта обрў-эътибор-га эга. Шунинг натижаси-да мамлакатимизда аср-лардан буюн бахшичилик санъати сақланиб келин-моқда. Уни келажақ авлод-ларга тўлиқ ривожланган ҳолда қолдириш учун аниқ пайтда муаммоларни ва эҳтиёжни ўрганиш керак. Ўзбекистонда қадимги ёдгорликларни, ўтмишнинг маданий қадриятларини сақлашга, маданият, санъ-ат, фан-таълимни ривож-лантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишига катта эъти-бор қаратилади. Шу нуқта-ни назардан ёндашганда, Ўзбекистон таърифи барча учун дастуриламал бўла олади. Бахшичилик ривожига ҳам миллий, ҳам халқаро миқёсда эътибор қаратиш бу соҳада ишлар-ни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. Тер-



миздаги халқаро фести-валь халқлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлай-ди ва келгусида биргалик-даги фаолият учун сама-рали мулоқотни ўрнатади, деб ўйлайман. Илмий ан-жуманда таниқли этнограф-лар, фольклорчилар, санъ-атшунослар ўз таъриблари ҳақида гапириб, мавжуд масалаларни муҳокама қилиб, ўзаро ҳамкорлик-нинг истиқболлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини бил-диргани соҳа ривожига хизмат қилади.

2

Ҳовлимиздаги хазина

Томорқадан тўғри фойдалана оляпмизми?

Бу борада ким кўмакдош, ким эса муаммоларга бефарқ қарамоқда?!

Долзарб мавзу

Бугун қишлоқдаги каттаю кичик томор-қасини яшатиш пайида. Кўкатдан тортиб сабзи, пивё, картошка, қарам, помидор, бодринг — қўйингки, рўзгорга зарур нарсა борки экяпти. Мўъжазгина иссиқхона таш-кил этиб, қишин-ёзин ҳосил етиштираёт-ганлар, бозориям тўлдирётган, эл-юрт маъмурчилигига ҳисса қўшаётган мириш-корлар сафи тобора кенгаймоқда. Зотан, томорқадан унумли фойдаланиш наинки қишлоқ аҳолисининг, балки тегишли идо-ралар, ҳокимликлар, банкирлар, сектор раҳбарларининг диққат-эътиборидаги масалага айланган. Хўш, томорқа хўжалигига нега бу қадар

катта эътибор қаратилиб, қишлоқ одамла-рига бунчалик гамхўрлик кўрсатилмоқда? Гап шундаки, суғориладиган ер — халқимизнинг энг катта бойлиги. Айниқ-са, томорқа — ҳовлидаги хазина. Оила бут-лиги, дастурхон тўқислигини таъминлай-диган, хонадон эгасини орзу-хавасига ет-казадиган, ўсиб келаётган фарзанду на-бираларни меҳнатсевар, тадбирли бўлиб вояга етишларига замин яратадиган бекиёс бойлик. Агар биз томорқа деб атаётган шахсий хўжалиқлардаги ер майдонларини умум-лаштирсак, чакана рақам ҳосил бўлмайди. Масалан, яқинда Наманган вилоятида

томорқачиларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлари 372 минг 365 та хонадонда бўлиб, 20 минг гектарга яқин ер майдонини халтовдан ўтказишди. Қаранг-а, битта вилоят аҳоли-сининг қўлида қанча ер бор! Агар ҳар бир хонадон ўзларига яратиб берилаётган им-коният ва шароитлардан фойдаланиб, шу бир парча томорқага мевали дарахтлар қўчатлари ўтказса, турли сазбавот экинла-ри экиб, интенсив технология асосида парваришласа, бозорларимизда ҳозирги-дан-да серобчилик, арзончилик бўлиши турган гап.

— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатингизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими шакл-лантирилмоқда. Соғлиқни сақлаш фаолияти билан шугулланувчи халқаро ташки-лотлар билан ҳамкорлик яна-да кучайтириляпти. Жумладан, ташкилотимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда юртингиз-нинг турли ҳудудларида соҳа вакилларининг, оддий одам-ларнинг тиббий билим ва ма-даниятини янада бойитишга қаратилган турли тадбирлар, илмий-амалий конферен-циялар, анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказмоқда. “Соғлиқни сақлаш ташки-лотлари билан бутун дунёни қамаб олиш” — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти-нинг бу йилги широридир. Дунё бўйлаб амалга оши-раётган тадбирларимиздан қўзланган асосий мақсад ҳар бир инсоннинг ўз соғлиғига

эътибор қаратишга эришиш-дир. Ушбу эзгу мақсадга етишнинг асосий шартлари-дан бири инсонларга ўзлари хоҳлаган вақтда ва ўзлари ашайдиган ҳудудда сифатли тиббий хизматдан фойдала-ниш имкониятини яратишдир. Бу борада Ўзбекистонда кенг қўланил ишлар олиб бо-рилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, қишлоқ жойларда замонавий врачлик пунктла-ри, шаҳарларда барча талаб-ларга мос оилавий поликли-налар ташкил этилаётгани бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизимини янги босқичга кўтармоқда. Юқори технологиялар билан таъминланган республика их-тисослаштирилган илмий-амалий таъмирлаш марказлари тармоғининг кенгайтири-лаётгани эса аҳолининг тиб-бий хизматлардан фойдала-ниш имкониятларини янада кенгайтиряпти.

3

Фармон ва ижро

Ҳаммаси 1 сўмдан бошланади, кейин миллиардларга айланади

“Тадбирли киши йўқдан бор қилади, тадбирсиз эса бордини ҳам йўқ қилади”. Халқимиз тоғлиб айтган-да, шу гапни. Таассуфки, жойларда ҳамон бўш ётган биналар, ишоотларни учратасиз. Ваҳолонки, улар қанча одамлар иши бўлишига хизмат қилиши, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўиши мумкин эди. Шу маънода, бундай ишоотларни фойдали объекта айлантирадиганларни ҳақиқий тадбиркор, десақ, арзийди.

Муборақлик Комил Раимқулов шундай ишби-лармонлардан бири. Туман-даги “Odil Rayimqulov Komilovich” масъулияти чек-ланган жамиятини бошқа-раётган тадбиркор 2009 йил-да пластик қувурлар тайёр-лашни йўлга қўйган эди. Корхонада бу борада яхши таъриба ҳам тўпланди. Аммо кимки доимий изланиш, махсулот рақобатдошлигини ошириш, истеъмолчилар талабига мос фаолият юритишга эътибор бермай қўйса, замондан ортда қолиб кетиши аниқ. Бунга яхши ту-шунган ишбилармон бўш келмади, ишни янгидан бош-лади.

— Пластик қувурлар ишлаб чиқаришда эски тех-нологиялардан фойдаланар-дик, бунинг устига, ўзимиз-нинг жойимиз бўлмагани учун ижарада турардик, — дейди у. — Бу, албатта,

3

4



«Халқ сўзи» ва ЎзА суратлари.



Андижон — «National Geographic» нигоҳида

АҚШнинг “National Geographic” телеканали ижодкорлари Андижон вилоятида бўлиб турибди. Насим Мансуров, Вильям Махер ва Патрик Келлидан иборат ижодий гуруҳ аъзолари бир ой мобайнида мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари, номоддий маданий мероси, миллий хунармандлик намуналари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа жиҳатларини тасвирга олишади.

Биз ва жаҳон

— Андижон — жуда ҳам гўзал маскан, — дейди Насим Мансуров. — Бизда, айниқса, вилоят марказидаги жоме мажмуаси, хунармандлик дуконлари, кўғирчоқ усталарининг маҳорати, зардўзлик асарлари, пичоқчилик ва темирчилик бора-сида олиб борилаётган

ишлар катта таассурот қолдирди. Тасвирлар нафақат телеканалда, балки бир кунда 5 миллион фойдаланувчиси бўлган photographylife.com сайтида ҳам намойиш этилади.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).



Таркиби сир тутилаётган ҳолва экспорт қилинади

Риштон туманидаги “Мирзааҳмедов Анваржон Каримович” хусусий корхонаси ҳолва маҳсулотларини Қирғизистонга экспорт қилиш юзасидан “Фаргона синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси қошидаги Махсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюросига мурожаат этди.

Ташаббус

— Қирғизистон давлати билан 200 минг долларлик шартнома туздики ва экспорт жараёнини бошладик, — дейди Анваржон Мирзааҳмедов. — Ростдан ҳам миллий қандолат маҳсулотларимиз бетакрор. Мен ҳолва ширинлиги тайёрланишида

бир оз қўшимчалар қилдим. Натижада унинг мазаси янада тотли бўлди. Бу эса тадбиркорлик сирим.

Мутахассислар мурожаатни тегишли тартибда расмийлаштирди.

Элёржон ЭХСОНОВ («Халқ сўзи»).



Корхонада Хитойдан хом ашё билан бир қаторда, турли пластик маҳсулотлар чиқиндисидан сифатли қувур тайёрлашга мўлжалланган замонавий технологик ускуналар олиб



келиб ўрнатдик. Соатига 150 килограмм пластик қувур ишлаб чиқариш имкониятига эга мазкур тежамкор технологик линия ёрдамида 8 хил ўлчамдаги маҳсулот тайёрлапмиз. Барча жараён автоматлаштирилган. Қолаверса, иккиламчи хом ашёдан фойдаланаётганимиз маҳсулот таннархини янада арзонлаштиришда қўл келяпти.

Мана, мулкдорлик, тадбиркорликнинг сир-синоати. Бўш турган бинодан самарали фойдаланиш ҳисобига ўнлаб одам ишли бўлди. Корхона имкониятлари кескин ошди. Махсулотга талаб юқорилиги боис фаолиятни янада кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда хитойлик ишбилармонлар билан яна битта янги технологик ускуна сотиб олиш бўйича келишувга эришилди.

Эътиборлиси шундаки, Президентимиз-

нинг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулк объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибларини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра, 2018 йилда Қашқадарё вилояти бўйича 66 та бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан тадбиркорлик субъектларига 1 сўмга тенг қийматда берилди.

Илгари тадбиркорлар сармоясини кўчмас мулкни сотиб олишга сарфлаб, кейин уни таъмирлаш, асбоб-ускуналар харид қилиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда маблағ етишмай, муаммоларга дуч келган бўлса, 1 сўмга тенг харид қиймати сармояни тўлиқ замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш ва объект фаолиятини йўлга қўйишга жалб этмоқда.

— Тадбиркорлик субъектлари томонидан олинган мажбуриятларга кўра, ушбу объектларга 2018-2019 йиллар давомида 40,3 млрд. сўм қурилиш ва асбоб-ускуналар кўринишида инвестиция киритиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш орқали 694 та иш ўрни яратиш мўлжалланган, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Мустафхон Султонов. — Фармонга асосан, бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини баҳола-масдан, 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда “E-IRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончасида савдога чиқариш орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган ҳолда сотиш ҳамда камида 1 млн. АҚШ доллари эквивалентидagi инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун аукцион ўтказмасдан, инвестор билан тўғридан-тўғри музокаралар орқали инвес-

тициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгиланган ҳолда, ер участкаларини бериш ҳамда бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати вилоятлар ҳокимларига берилди.

Шу боис вилоят бўйича 2018 йил ва 2019 йилнинг ўтган даврида Хусусийлаштириш дастурларидаги 35 та бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари баҳоланмасдан, 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда “E-IRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончасида аукционга қўйилди. Шундан



25 таси 432 млн. сўм сотиб олиш тўловларини амалга ошириш, 8,98 млрд. сўм ва 67,2 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш ҳамда 200 та иш ўрни яратиш мажбуриятлари билан сотилди.

Вилоят бўйича 3 та бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари камида 1 млн. АҚШ доллари эквивалентидagi инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тақлиф бўлган тадбиркорларга жами 8,5 млрд. сўм ва 2,4 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш ҳамда 125 та иш ўрни

яратиш шарти билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида берилиши таъминланди.

Жумладан, Нишон туманидаги бўш турган “16-сонли харбий шаҳарча”нинг мулк мажмуаси “Qarshi sopol quvurlari zavodi” масъулияти чекланган жамиятига 2 йил муддат ичида 2000 бошга мўлжалланган қорачилик мажмуаси ташкил этиш мақса-дида 4 млрд. сўмлик инвестиция киритиш ва 8 та иш ўрни яратиш мажбурияти билан берилганди. Бугунги кунгача инвестор томонидан 2,5 млрд. сўмдан ортиқ инвес-тиция киритилиб, 8 та иш жойи яратилган.

Қарши шаҳар, Жайхун кўча-сидаги бўш турган бино ҳам “Biss Electronics System” МЧЖга худди шундай шартлар асосида берилган, инвестор томонидан 2,5 млрд. сўм инвестиция киритилиб, замонавий электротехника маҳсулотлари, шу жумладан, телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йил бошида фойдаланишга топширилган мазкур корхонада ҳозир 40 киши меҳнат қилмоқда.

Вилоятда бугунги кунда инвестиция мажбурияти билан сотилган жами 98 та объектга инвесторлар томонидан 4 млн. 67,2 минг АҚШ доллари ва 108,1 млрд. сўм миқдорига инвестиция киритиш ҳамда 1728 та иш ўрни яратиш мажбурияти олинган. Бу тўғри йўл, албатта. Чунки бўш турган бинолар худуд учун нафақат хунук манзара, балки ундан ҳеч кимга наф ҳам йўқ. Шундай экан, уларни ўз эгаси — ишбилармонларга бериш аини мудоаодир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

Халқ билан мулоқот

Мактаб ҳам таъмирланади, квартира ҳам берилади

Янгийўл шаҳрида Даврон Кодировни болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, тажрибали устоз, моҳир мураббий ва педагог сифатида кўпчилик яхши билади.

У сайёр қабулда ўзи раҳбарлик қилаётган мактабнинг моддий-техника базасини яхшилаш масаласини ўртага ташлади.

Қабул жараёнида мактабни таъмирлаш учун 100 миллион сўм маблағ ажратилиши билан бир қаторда, мураббийнинг оилавий шароити ва ишига фидойилиги, айниқса, яқинда икки нафар шогирди хорижда ўтказилган нуфузли мусобақада олтин медаль олиб қайтганилиги инобатга олиниб, вилоят ҳокимлиги томонидан уч хонали квартира бепул совға қилинадиган бўлди. Тасдиқланган ҳадвалга мувофиқ, ўтказилаётган оммавий қабулларда муаммоларни ҳал қилиш бариберида, ана шундай хайрли ишлар ҳам рўёбга чиқяпти.

Ташкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган сайёр қабул бунга аққол мисол бўла олади.

Унда аҳолининг турли қатламлари билан тўғри-

дан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш мақса-дида вилоят ҳокими Г. Ибрагимов бошчилигидаги мутасаддилар қатнашди.

Ўзма-юз мулоқот жараёнида маълум бўлдики, аҳоли томонидан билдирилган масалаларнинг аксариятини жойида ҳал қилиш мумкин. Бироқ айрим мутасаддиларнинг етарли билим ва савияга, мулоқот маданиятига эга эмаслиги тўғрисида муаммолар тўғрисида қўлдан кўчмасдан масалаларини қисқа муддат ичида ҳал этиш, уларга қўмак бериш бўйича зарур чоралар кўрилиши маълум қилинди.

Шунингдек, тадбирда аҳоли учун бепул тиббий кўрик, китоб савдоси, меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. 8 нафар кишига ногиронлик аравачаси ҳада қилинди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ («Халқ сўзи»).

«Уч йилдан буён ишсиз эдим...»

Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, Бош прокуратура хузуридаги Махбурий ижро бюроси (МИБ) директори иштирокчи фуқаролар билан оммавий қабул ўтказилди.

Президентнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда вази-лик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органла-ри, Нукус шаҳри, Ҳўжай-ли, Тахиятош, Нукус ту-манлари ҳокимликлари раҳбарлари, жамоат таш-килотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ва-киллари қатнашди.

Қабул давомида 140 на-фарга яқин фуқаролар, асосан, уй-жой таъмино-ти, ишсизлик, йўл қурили-ши, коммунал хизмат, тиббий хизмат, имтиёзли

кредит олиш масалалари бўйича мурожаат қилди. — Уч йилдан буён иш-сизман, — дейди Ҳўжай-ли туманидаги “Водник” шаҳарча фуқаролар йиғи-нида яшовчи Алима Жақсимуратова. — Шу кунгача бир неча жойга мурожаат қилдим, аммо ишга қиролмайдим. Бугун-ги қабулда мурожаатим эътиборга олиниб, туман-даги мактабгача таълим муассасаларидан бирда фаолият бошлайдиган бўлдим. Бундан жуда хурс-андман.

Ҳидоят АҲМЕДОВ («Халқ сўзи»).

Юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, тараққиёт шунча жадаллашади

Юртимизда сўнгги йилларда илм-фан ва олий таълимни ривожлантиришга бўлган эътибор тубдан ўзгарди, кенг қўлмалли ислохотлар туфайли ушбу соҳанинг ҳақиқатда тугган ўрни охиб, мустаҳкамланиб борапти. Бинобарин, бундай янгиланишлардан кўзланган асосий мақсад давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, маданият, спорт, қўйингки, барча йўналишлар учун замонавий кадрлар тайёрлашдир.

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам айнан ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Таклиф

Давлатимиз раҳбари олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтириш за-рурлигини таъкидлар экан, жумла-дан, шундай деганди: “Ўзбекистон-да олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар ту-файли, биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар таърибаси-га қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60 — 70 фоизни таш-кил этади. Шунинг учун 2019 йил-да мамлакатимизда битирувчилар-ни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш — муҳим вазифамиздир”.

Айни ҳижатдан келиб чиқиб, олий ўқув юртлари нуфузини оши-риш, нодавлат таълим масканлари со-нини кўпайтириш, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш бўйича ишлар янада жадаллашти-рилмоқда. Олий таълим муассаса-ларига реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қабул квоталарини мустақил белгилаш тизимини жо-рий қилиш, бакалаврият йўналиши-да таҳсил олаётган талабаларга хо-рижда ўқишни давом эттириш им-кониятлари кенгайтирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан иқтидорли ёшларнинг ривожланган хорижий давлатларда магистратура ва докторантурада ўқишини давлат гранти асосида давом эттиришлари учун шароитлар яратилиши диққатга сазовор. Буларнинг барчаси давлат томонидан кўрсатилган олижаноблик, инсонпарварлик ва келажакка бўлган юксак ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Ёшларга бир вақт-нинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топши-риш имконияти берилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида таш-кил этилган «Эл-юрт умиди» жам-ғармаси томони-дан иқтидорли ёшларнинг ривожлан-ган хорижий давлатларда магистратура ва докторантурада ўқишини давлат гранти асосида да-вом эттиришлари учун шароитлар яратилгани диққатга сазовор. Бу-ларнинг барчаси давлат томонидан кўрсатилган олижаноблик, ин-сонпарварлик ва келажакка бўлган юксак ғамхўрликнинг ёрқин наму-насидир.

Биз каби таълим соҳаси вакил-ларига мана шундай шилдатли ва узлуқсиз жараёнларда бевосита иштирок этиш, энг муҳими, ўз фикр-мулоҳазаларимизни эмин-эр-кин билдириш имконияти бери-лаётгани ҳам барчамизга ифтихор бағишлаши билан бирга, зимма-мизга катта масъулият юклайди. Хусусан, жорий йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан респуб-ликамиз ёшлари, ёш педагоглари-ни чет давлатларда ўқиш ва мала-

ка оширишга юбориш бўйича ўтка-зилган танловда иқтисодиёт соҳа-си бўйича эксперт сифатида қат-нашдик. Унда иштирокчиларнинг кўпчилиги соҳалари бўйича ўзлари танланган давлатдаги олий ўқув юртларига бориб, ўқишни давом эттиришини билдиришди. Бу бора-да, асосан, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Беларусь, Канада каби мамлакатлардаги ОТМлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилган маълум бўлди.

Албатта, бу яхши. Лекин хорижда малака оши-риш ва таҳсил олиш маълум миқдорда ва-лютани талаб қилади. Шун-га қарамай, чет элда дав-лат гранти асосида ўқишга юбориш-ни янада кенг раф-батлантириш мақ-садга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, таълим равнақи ижтимоий-иқтисодий тармоқлар, умуман, жамиятимизнинг ривожла-нишига олиб келади. Иқтисодчи олимлар ялли ички маҳсулотнинг сифат ва миқдор ҳижатдан юкса-лиши аҳолининг билим даражаси-га боғлиқ эканлигини исботлашган. Бу ҳар минг кишига қанча олий маълумотли мутахассис, қанча фан номзоди, қанча фан доктори тўғри келиши билан баҳоланади. Масал-ан, ҳозирги вақтда иқтисодий ис-тиқболни белгилаб берувчи соҳа-лар бўйича мутахассисларнинг ҳар 1000 кишига тўғри келадиган улу-ши эл-юрт фаровонлиги юксали-шининг муҳим кўрсаткичларидан бирига айланган. Электроника тар-моқларини олиб кўрайлик. Зеро, ундаги самарали кадрлар тизими кўп-лаб секторларнинг инновация

йўлига ўтишида қўл келяпти. АҚШ, Сингапур, Япония, Жанубий Корея таърибаси бунга мисолдир. Ҳўш, мазкур схемани таълим ва жамият ривожини билан қандай уй-ғунлаштириш мумкин? Экспертлар-нинг фикрича, у қўйидаги занжир орқали боғланган: таълим — илм-фан, техника, технология — ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш — иқти-содиёт равнақи.

Маълумки, ҳозирги кунга келиб фан, техника ва технология тарақ-қиёти жуда серқирра бўлиб кетган. Унинг барча йўналишини бирдек ривожлантириш жуда катта маблағ талаб қилади. Шу сабабли давлат-лар ўз имкониятидан келиб чиқиб, фан-техника соҳасининг маълум тармоқларини раванқ топштиришга аҳамият қаратапти. Фақат бунинг учун етарли даражада капитал аж-ратилса, бас. Бинобарин, иннова-цияга кенг маънода эришиш учун фан-техника тараққиётининг бирор соҳаси бўйича давлат етакчи ўрин-да бўлиши талаб қилинади.

Ўқоридагилардан келиб чиқил-са ва хорижий валюта чеклангани инобатга олинса, Ўзбекистон кела-жаксини белгиланган иқтидорли ёшларимизни хорижий давлатлар-га магистратура ва докторантура-да ўқишга юборишда қўйидаги йўналиш саволлар тўғрисида табиий.

Биз Ўзбекистонда қайси фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқа-риш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирмоқчимиз? Қандай таълимкорлар устувор, истиқболли хисобланади? Бундай масалалар-га ўз вақтида жавоб ва амалий ечим топши эса давр талабидир.

Биринчи навбатда, ана шу со-ҳаларни аниқ белгилаб олиш ло-зим. Ва ёшларимизни бу борада етакчи бўлган давлатларга мақсад-ли ўқишга юборсак, уларга қаратилган эътибор, хусусан, йўналтирилган сармоя самарасини олдиндан кўриш учун имконият яратилади. Умуман, мамлакатимиз эл-юрт манфаатлари йўлида пра-

Бахтиёр САЛИМОВ, Ташкент давлат иқтисодиёт университети Санасот иқтисодиёти кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.



Ўзбекистонимизда ерни эъзозлаб, ўзи ҳам эъзоз топаётган хонадон соҳиблари, тажрибали томорқачилар жуда кўп. Уларни мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида учратиш мумкин. Мисол учун, тўрақўргонликлар юқори сифатли мевалари билан танилган. Тумандаги 41,5 мингдан зиёд хонадонлар тасарруфиди 2102 гектар томорқа бор. Улар шу ерда жами 48 минг тоннадан зиёд 80 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб, 14 минг тоннасини экспорт қилишга эришдилар. Кейинги йилларда туман соҳибкорлари мевали дарахтлар нихолларини етиштириш ҳадисини ҳам олишди. Ҳозирги экин-тикин мавсумида кўчат сўраганларга “Энг яхши нихоллари Тўрақўргондан топасиз”, дейишди наманганликлар.

Яқинда “Намунали томорқачи” кўрак нишони билан тақдирланган Мухаммаджон Сарбаров Янгиқўргон тумани марказидаги Водий маҳалласида яшайди. У ўғли Шокиржон билан саккиз сотих ҳовлисиди бир эмас, икки эмас, бешта иссиқхона ташкил этиб, помидор, бодринг етиштиряпти. Бу йил эса 3 сотихдан зиёд майдонга лимон кўчатлари ўтказди. Ораларига помидор нихоллари қадаб чиқди. Иссиқхонадаги барча экин томчилатиб сўғорилади.

— Сўғоришнинг бу усули сувдан, кимёвий ўғитлардан тежаб-тергаб фойдаланишда қўл кела-

ди, — дейди Мухаммаджон ака. — Қандай муаммолар бор? — қизиқиб сўраймиз.

— Иссиқхоналаримизнинг бир қисмини қайта реконструкциялаш керак. Шунга банкдан кредит сўрагандим, “Биз кредитни янги “парник” қилаётганларга берамиз”, деб аризамни қайтаришди, — дейди илгор томорқачи. — Табиий газ етарли бўлмагани учун қишда кўмир билан иситамиз. Кўмир эса ҳам қиммат ва тақчил. Биз, томорқачилар учун алоҳида лимит ажратилса, нарх борасида озроқ имтиёз яратилса, яхши бўларди.

Худди шундай ёқилги муаммосини Наманган туманининг Бешкапа маҳалласида яшовчи томорқачилар Авазбек Каримов билан Ҳабибулла Мирзаабдуллаевдан ҳам эшитдик.

— Яна қандай муаммолар бор? — Бошқа масала йўқ. Борларини ҳам йўл-йўлакай ҳал қилса бўларди, — дейди Авазбек.

Дехқон халқи андишали бўлади. Ҳар ерда, ҳар доим ҳам дардини “дастурхон” қилавермайди. Аслида дехқон хўжаликлари, томорқачиликда етиштирилган маҳсулотни реализация қилиш борасида “тишга тегиб” турган муаммолар бор.

Шу ўринда яхши ниятлар билан мақоми ўзгартирилган, имкониятлари кенгайтирилган, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжа-

ликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фаолиятига ҳолис назар ташласак. Очиги, бу нуфузли идоранинг фермер хўжаликларига яқиндан кўмак бераётганини инкор қилиб бўлмайди. Бироқ дехқон хўжаликлари, томорқачилар ҳозирча унинг борлигини сезиш-ётганлари йўқ.

Бизга ҳамроҳлик қилган Наманган тумани фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томорқа ғруҳида бош мутахассис лавозимида фаолият юритаётган Саиджаҳон Собиржонов билан йўл-йўлакай гурунглашиб бордик.

— Шу кунгача кенгаш ташаббуси билан томорқачиларга қандай ёрдам кўрсатилди? — қизиқиб сўраймиз ундан.

— Асосан, жойларга чиқиб, мавжуд шарт-шароитлар билан танишамиз, аҳолига маслаҳатлар, йўл-йўрақлар берамиз. Кредит олиш бўйича олтига томорқачидан талабнома тушганди. Лекин ҳали ёрдам беролмадик...

Бу жавобдан ҳафсаламиз пир бўлиб, туманда янги ташкил этилган “Бебаҳо замин томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамияти мутахассиси Анваржон Ғафуровни суҳбатга тордик.

— Фаолиятимиз доираси кенг, — дейди у. — Томорқачиларга кўчат, уруғлик етказиб берамиз. Иссиқхоналар қуриб берамиз, техника хизмати кўрсатамиз...

— Экин-тикин мавсуми бошлангандан буюн неча хонадонга техника хизмати кўрсатилди?

— Тракторларимиз йўқлиги учун бундай хизмат кўрсатолмадик. Лекин 10 та миникультиватор келиши керак, шартномамиз бор...

Яширишнинг ҳолати йўқ, “Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамиятлари ҳали томорқачиларга сезиларли даражада хизмат кўрсатётгани йўқ. Аслида уларнинг ўзи хизматга, ёрдамга муҳтож экан.

Тўғри, қилинган яхши ишлар ҳам кўп. Қишлоқ аҳли орасида томорқачилик бобида бой тажриба тўплаб, ўзини тутиб олганлар оз эмас. Меҳнати орқасидан машина миниб, чиройли уйлар қуриб, тўйлар қилаётганлари канча! Уларнинг кенгашига ҳам, “Томорқа хизмати”га ҳам қараб қолган жойи йўқ. Аммо беш қўл баробар бўлмагани каби томорқасига экин-тикин қилишга имконияти етмаётган хонадон эгалари ҳам бор. Бу тоифадаги одамларни уйлантираётган муаммолар нима-лардан иборат?

Уларнинг айтишича, техника тақчил. Кўклам келиши билан тракторчи зотининг кўнглини топиш қийин бўлиб кетади. Турли баҳоналарни рўқач қилиб, “борол-

майман” дейди, ёқилги йўқлиги, қимматлигидан нолиган бўлади, хуллас, нархини оширади. Бир амаллаб ерни шудгорлаган дехқон сифатли уруғлик ёки кўчат излаб бозорга тушса, боши гангил қолиши турган гап. Ўсма билан исмалоқнинг фарқида бормаганлар расталарни эгалаб олишганда. Лекин гапнинг кифтини келтириб гап-пирани, “Лабораториядан ўтказилган” дейди, “Синалган” дейди, “Кейин раҳмат айтасиз, янаги йил яна мени қидириб келасиз”, дейди. Аллақанча пул сарфлаб уруғ ёки кўчат олган дехқоннинг олгани айтилганидек чиқса-ку яхши. Чикмаса-чи?..

Аҳоли кейинги пайтда айрим дехқонлар меҳнатига қуйиб, ер умрига завоқ бўлиб қолаётганидан ёзғиришмоқда. Қишлоқ жойларда катта умидлар билан очилган кимёвий ўғитлар етказиб бериш дўконлари эшигига қулф осилганига эса анча бўлганимиз. Тагин ўғитнинг нархи боландлоб кетган,

— Дехқончилик деймиз-у, аммо уни уудалаш ҳам осон эмас, — дейди ярим гектар ерда дехқон

хўжалиги ташкил этиб, рўзғор тебратаятган Поп туманилик Роҳатали Абдуллаев. — Аксарият экин майдонлари дорига ўч бўлиб қолган, кимёвий ўғитни босиб-босиб солмасангиз, ҳосил битмайди. Бунинг устига ўсимликлардаги ҳар хил касалликлар, бегона ўтлар, зараркунданларга қарши ишлов бериш керак. Қишлоқда бундай кимёвий препаратлар билан савдо қиладиган дўконнинг ўзи йўқ. Кўпинча шаҳарга бориб, ахтариб, зўрга топамиз. Шу тариқа баъзи экинлардан фойда ўрнига зарар кўряпмиз. Масалан, 50 килоли бир қоп аммофоснинг баҳоси шу кеча-кундузда 240 минг сўм. Экиннинг озукага талаби ошганда, нарх яна кўтарилиб кетади. Дехқонлар “шакар дори” деб атайдиган ўғит қопи бурунги йиллари 30 — 40 минг сўмдан сотилган бўлса, ҳозир у 100 — 120 минг сўмга чиқиб кетган.

— Бу муаммолардан туман, вилоят раҳбарлари, кенгашдагилар хабардорми?

— Бўлса, бордир.

Бироқ даламизга к-

Булларнинг ҳаммасини амалга оширса бўлади. Фақат давлатимиз раҳбари таъкидлаётгандек, жон-дилимиз билан ишлашимиз, изланишимиз керак. Изланган одам эса, албатта, имкон топади.

О. НОМЗОВ
(«Халқ сўзи»).

Авлиёлар султони, буюк тарбиячи

Ўтмишга назар ташласак, тарихимиз, маънавиятимиз равнақиға бениҳоя катта ҳисса қўшган кўплаб олим-фузалолар, улуғ сиймолар кўз олдимизга келади. Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний — ана шундай алломалардан бири.

Маърифат



Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида бу зот мангу қўним топган табаруқ масканни зиёрат қилди, Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотини чуқур ўрганши, у илгари сурган эзгу ғояларни аҳоли, хусусан, ёшлари-

миз онгу шуурига сингдириш зарурлигини таъкидлади. — Юртбошимизнинг ушбу кўрсатмалари зиммамизга жуда катта масъулият юклади, — дейди Мир Араб олий мадрасаси мударриси, Баҳоуддин Нақшбанд жоме масжиди

имом-хатиби Ғафуржон Раззоқов. — Хусусан, Абдуҳолиқ Ғиждувоний марказини ташкил этиб, бу мактабда имом-хатиблар учун махсус сабоқлар ўтиш зарурлиги тўғрисида топириқ берганларида менинг кўнглимдан “Тилланинг асли зангламайди” деган ўй ўтди. Бухородаги етти пирнинг биринчиси саналган улуғ бобомизнинг мероси чиндан ҳам хазинанинг ўзи. У битган “Тариқат одоби”, “Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг ўғитлари” каби асарлар билан танишган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Масалан, “Тариқат одоби” асарида шундай дейди: “Худойи таоло, Расулulloҳ, ота-она ва барча машойихларнинг ҳақларини адо қилгувчи бўл”. Яна “Тақлидчи (сохта) сўфийлардан узоқ бўлгинки, улар дин йўлининг ўғрилари-дир ва мусулмонларни йўлдан урувчилардир”.

Дунёда рўй бераётган хун-резлиқлар, динни никоб қилиб

олганлар қилмишлари ҳақида эшитарканмиз, буюк аждоди-мизнинг бу пурмаъно сўзлари ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганини ҳис этамиз.

“Одамларнинг бўйнига юк бўлмаслик керак. Бу эса ҳалол касб-корсиз амалга ошмағай”, дея меҳнатсеварликка даъват этади улуғ пир. Унинг шукр қилиш, мансаб ва шухратпарастликка берилмаслик, бошқаларга хушмуомала бўлиш тўғрисидаги панд-насиҳатлари ҳам қимматлидир.

Биз юқорида Абдуҳолиқ Ғиждувоний қолдирган хазинанинг бир қисми ҳақида сўз юритдик, ҳолос. Хожагон тариқатининг асосчиси ва илк пири саналган бобокалонимизнинг ана шундай эзгу ғоялари мазмунини одамларга халқона тилда етказсак, бурчимизни адо этган бўламиз.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли тадбиркорлар!

«АСАКА» БАНКИ

бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун қуйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар тақлиф этади:

- Коммерцбанк А.Г. (Германия);
- КФВ Ипекс банк (Германия);
- Ландесбанк А.Г. (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси давлат тараққиёт банки;
- Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки — «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида;
- Корея Республикаси Эксимбанки;
- Туркия Республикаси Эксимбанки;
- Халқаро тараққиёт агентлиги — «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида.

Маълумот учун телефонлар: 78-120-82-01, 78-120-82-09, 78-120-82-24, 78-120-82-62, 78-120-82-96, 78-120-86-83.

«АСАКА» БАНКИ – тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«TOW Co., Ltd»

қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia»

хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ГАЗЕТАМИЗ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЮҚЛАБ ОЛИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОНИҢИЗ ОРҚАЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛҲАМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

ГАЗЕТАНИНГ СЎТКАЗИБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР.

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРМИЛ ҲАМДА ОПЕРАТОР А. ИСМҚЛОВ ТОМОНИДАН САХФИЛАНДИ.

ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ҲИЖАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ МАСЪУЛ. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаххас — С. Исмолов.

“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 20.50 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6